



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 8 август, № 161 (9056)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!

НАВОИЙ ВИЛОЯТИДАГИ УЛКАН ИМКОНИАТЛАР КЎРСАТИБ ЎТИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев Навоий вилоятида ислохотлар натижадорлиги ва янги режалар муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказди.

Навоий вилояти ер ости бойликлари, саноати ва қишлоқ хўжалиги бўйича улкан салоҳиятли ҳудуд. Буларнинг негизиди сўнгги саккиз йилда 8 миллиард долларлик 7 мингдан зиёд лойиҳалар амалга оширилиб, 73 мингта иш ўрни яратилган. Тадбиркорлар сони 10 мингдан 30 мингга кўпайган.

Ўзбекистон Президентининг 2024 йил 12 декабрдаги “Навоий вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги қарори имкониятларни янада оширди. Жорий йилнинг 6 ойида инвестиция ҳажми 643 миллион долларга етди, экспорт 635 миллион доллардан ошди. 550 миллион долларлик янги қувватлар, 1 минг 140 та савдо ва сервис мажмуалари ишга туширилди.

Лекин ҳали фойдаланилмаган манбалар жуда кўп. Давлатимиз раҳбари Навоий вилоятида йирик саноат тармоқларидан ташқари яйловларни ўзлаштириш, чорвачиликни ривожлантириш, хизмат турларини кўпайтириш бўйича имкониятлар бепоеён эканини таъкидлади.

Хусусан, мамлакатимиз қазилма бойликларининг 20 фоизи, яйловларнинг 43 фоизи шу ҳудудда жойлашган. Йирик корхоналар ва қулай инфрақурилиш кўллаб ёндош тармоқларда талаб яратган.

Жойлардаги имкониятларни юзага чиқариш учун Навоий вилоятида ҳам “Ислохотлар штаби” тузилди. Йиғилишда тадбиркорларнинг таклифлари асосида ишлаб чиқилган янги лойиҳалар тақдимот қилинди.

Жумладан, Фозгон шахри, Нурота, Хатирчи, Навбахор ва Учқудуқ туманларидаги 8 та конга инвесторлар 566 миллион доллар сармоя киритишга тайёрлигини билдирган. Бунинг натижасида саноат ҳажми 2,5 триллион сўмга, экспорт 100 миллион долларга кўпаяди.

Масалан, Нурота туманида 750 миллион кубометр гранит тошлари захираси бор. Уни қайта ишлаш учун

50 гектар майдонда саноат зонаси ташкил этиш таклиф қилинди.

Шу тумандаги 10 та маҳаллада 5 мингдан зиёд хотин-қизлар каштачилик билан шуғулланиб, даромад топмоқда. Энди бунинг кенгайтириб, 28 та маҳаллада каштачилик марказлари очиб режалаштирилган.

Ўқитиш жамияти оилаларини қуёш панеллари ва кўчма дўконлар билан таъминлаб, камбағалликдан чиқариш кўзда тутилган.

Вилоятдаги 3 миллион гектар яйлов қишлоқ хўжалиги учун катта имконият. Масалан, қизилтепалик тадбиркор минг гектар яйловда ёмғирлатиб ва томчилаб сугориш технологиясини кўллаб, экспортбон экинлар етиштирмоқда. Энди чорвачиликни йўлга қўйиб, сутни қайта ишлаш ташаббусини билдирган.

Умуман, вилоятда 1 миллиард 600 миллион долларлик қўшимча лойиҳалар шакллантирилган. Уларнинг натижасида яна 10 минг иш ўрни, бюджетга 1 триллион сўм тушум ва 238 миллион долларлик экспорт имконияти пайдо бўлади.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича топшириқлар берди.

Йирик ва кичик корхоналар ўртасида кооперация йўлини кўрсатиб ўтилди. Тадбиркорларни корхоналарга боғлаб, кафолатли буюртмани йўлга қўйиш, кичик бизнеснинг вилоятдаги улушини ошириш вазифаси қўйилди.

Яйловларга сув чиқаришга кўмаклашиб, улардан самарали фойдаланиш, озик-овқат маҳсулотларини кўпайтириш зарурлиги қайд этилди.

Навоий вилоятида ўртача иш ҳақи бошқа ҳудудлардан 1,5 баробар юқорилиги савдо ва сервисга талабни ҳам, таклифни ҳам рағбатлантиради. Шунга муносиб истироҳат боғлари ва дам олиш масканларини ташкил этиш, туристларни кўпайтириш, хизматлар ҳажминини ошириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ў.А.



ЮНЕСКО Бош конференциясининг Самарқандда бўлиб ўтадиган 43-сессияси олдида

Жаҳонда шундай масканлар борки, уларнинг номини эшитсангиз, юрагингиз бир хапқиқиб тушади, гўё умрингиз мазмуни шу билан боғлиқдек, ҳаётингиз шу ном билан пайвастадек ҳис қиласиз.

Самарқанд — ана шундай табарруқ маскан.

Шу кунларда дунё бўйлаб тарқалган хушхабар туркий оламни тўлқинлантирди, юракларни ғурурга тўлдирди, кўнгилларга нур берди. Бундан уч минг йил олдин бу муқаддас заминда йирик шаҳар шаклланиб Ер юзига овоза бўлди!

ДУНЁ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ ПОЙТАХТИ

Бу оламнинг жаннати

Илгари Самарқанд вилоятининг Ургут туманидан Милоддан аввалги XIII асрга, яъни бронза даврига оид қабрдан хайвон суюғидан ясалган 3 минг йиллик най топилган бўлса, эндиликда Ўзбекистон — Франция қўшма экспедицияси аъзолари — тарих фанлари докторлари, профессорлар Муҳаммаджон Исомиддинов, Муталлибжон Ҳасанов ҳамда Лозанна университети профессори Клод Рапен томонидан Қўттепа ва Афросиёбдан қўлга киритилган материаллар асосида Самарқанд шаҳрининг шаклланиш даври 3 минг йилга тенг деган хулосага келинди.

Қадимги Сўғд, Хоразм, Бақтрия, Кушон, Парфия, Эфталитлар давлатлари меҳвари — Самарқанд тимсолида кўллаб тарих ва ҳақиқат, афсона ва ривоятлар мужассам. Унинг Рим, Афина, Бобил каби қадим шаҳарлардан ҳам тарихи пойдорроқ.

Дунё қаҳқашонида юлдузлар аро қуёшдай чарақлаб турган бетакорор маскан Самарқанд жаҳонга буюк мутафаккирлар, олимлар, шоирлар ва меъморларни етиштириб берган Мовароуннахрнинг олтин бешмигидир. Бу маъво олим фузалар, улуг алломалар, сайёҳлар



томонидан “Шарқ боғи эрами”, “Замин гавҳари”, “Жаҳон гулшани”, “Шарқ марвариди” деб таърифланган.

“Подшоҳлар Самарқанд тупроғини кўзларига сурма каби сураб эдилар”, деб ёзади Абу Тоҳирхожа ўзининг “Самария” китобида.

“У дунёда жаннат бор, лекин бу дунёнинг жаннати Самарқанддир. Самарқанд Ер юзининг марваридидир”, дея таъриф беради Абу Райҳон Берунийнинг замонадоши Абу Мансур ас-Саолбий.

Бу диёрни “Ал-мадина ал-маффуза”, яъни фаришталар қўриқловчи шаҳар,

дея таърифлади тарихчи Абдул Ҳаким Самарқандий.

Самарқанд... Бу муқаддас заминда буюк давлатга асос солган, оламни тебратган, номи етти иккимга кетган соҳибқирон Амир Темур руҳи уйғоқ.

➡4-5

ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ ИЛҒОР МОДЕЛЬ СИФАТИДА ҚАЙД ЭТИЛДИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги парламент делегацияси Туркменистоннинг Аваза шаҳрида бўлиб ўтган БМТнинг Денгизга чиқиш имкони бўлмаган ривожланаётган мамлакатлар бўйича учинчи конференцияси доирасида Етакчи аёллар форумида иштирок этди.

Форум

Форумда гендер тенгликни таъминлаш, аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва ҳуқуқларини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Унда Ўзбекистонда гендер тенгликка эришиш йўналишида олиб борилаётган тизимли ислохотлар алоҳида тилга олинди. Конференция иштирокчилари томонидан Ўзбекистон тажрибаси бошқа мамлакатлар парламентлари учун илғор модель сифатида қайд этилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда бу йўналишдаги саъй-ҳара-

катлар 2030 йилгача мўлжалланган миллий стратегия асосида олиб боришда ҳамда бу ёндашув БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига тўлиқ мос келади.

Тадбир давомида оилавий зўравонликка барҳам бериш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлларни қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари ва илгари сурилган ташаббуслар ҳам эътироф этилди.

«Халқ сўзи».

ГЛОБАЛ ТАРАҚҚИЁТНИНГ АДОЛАТЛИ АРХИТЕКТУРАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МУҲИМ ТАКЛИФЛАР ВА ЮҚОРИ ДАРАЖАДАГИ ҲАМКОРЛИК

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 4-5 август кунлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Денгизга чиқиш имкони бўлмаган ривожланаётган мамлакатлар бўйича учинчи конференциясида иштирок этиш учун Туркменистонда бўлди.

Акс садо

Мазкур конференция денгизга чиқиш имкони бўлмаган мамлакатларнинг муаммоларини енгиб ўтиш ва адолатли келахак учун ушбу давлатларнинг тўлиқ салоҳиятини рўёбга чиқаришга ёрдам бериш учун ечимларни топиш ва ҳамкорликни ўрнатиш имкониятини беришни мақсад қилган.

Денгизга чиқиш имкони бўлмаган давлатлар учун денгизга чиқиш йўлининг йўқлиги уларнинг барқарор ривожланиши учун жиддий тўсиқлик қилмоқда. Хусусан, логистика ва товарлар экспорт-импортида юқори тарифлар, транспорт йўлаклар ва инфрақурилишларнинг ўтказиш имконияти чекланиши, шунингдек, бошқа давлатларнинг божхона-транзит сиёсатидаги боғлиқлик кўринишидаги бир қатор муаммолар юзага келмоқда.

Бу эса маҳсулотларнинг таннаҳини кескин оширяпти. Давлатимиз раҳбарининг нутқида Марказий Осиё минтақасининг логистика харажатлари маҳсулотлар умумий нарҳида 60 фоизгача етиши, бу рақам жаҳондаги ўртача кўрсаткичлардан бир неча баробар юқорилиги кўрсатилмоқда.

Умуман олганда, денгизга чиқиш имкони бўлмаган давлатларда транспорт ха-

ражатлари қирғоқбўйи мамлакатлардагига нисбатан 30 фоиз юқори ҳисобланади. Денгизга чиқиш йўлига эга бўлмаган 32 мамлакатнинг умумий аҳолиси 570 миллион киши, яъни дунё аҳолисининг 7 фоизига тенг бўлса-да, жаҳон савдосидаги улар улуши 1 фоизни ҳам ташкил қилмайди.

Шу нуқтаи назардан, ушбу соҳадаги долзарб муаммоларни ечиш катта аҳамият касб этиб, алоҳида ёндашувни талаб қилади.

Давлатимиз раҳбари мазкур соҳадаги умумий таҳдид ва муаммоларни енгидишга қаратилган муҳим таклифларни илгари сурди.

Авалло, халқаро транспорт йўлакларини ва инфрақурилишларини жадвал ривожлантириш учун мувофиқлаштирилган харажатларни амалга ошириш зарурлиги таъкидланди.

Транспорт йўлакларини ва мультимодал транспорт тизимларини, рақамли инфрақурилиш ва барқарор энергия алоқаси савдони яхшилаш ва харажатларни камайтириш учун муҳим аҳамиятга эга. Минтақавий ҳамкорлик ва халқаро шериклик ушбу инфрақурилишларни тўсиқларни бартараф этишда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Буларни фақат биргаликда, яъни минтақа, бошқа давлатлар харажатлари билан амалга оширс

➡2

ЙИЛ ЯКУНИГА ҚАДАР



32 ТА ЛОЙИҲА ИШГА ТУШИРИЛАДИ



Гидроэнергетика

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва инвестиция дастурлари доирасида қайта тикланувчи энергия манбаларини жадаллик билан ривожлантириш, соҳага замонавий технологияларни жалб этган ҳолда ишлаб чиқариш қувватларини кескин ошириш, аҳолини узлуксиз табиий электр энергияси билан таъминлаш бўйича жадал ислохотлар олиб борилмоқда.

Бу борада “Ўзбекгидроэнерго” АЖ томонидан янги-янги лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаётгани эътиборга молик. Жамият томонидан жорий йил биринчи ярим йиллиги давомида амалга оширилган ишларга эътибор қаратадиган бўлсак,

натижалар кўзга яққол ташланади. Жумладан, жамият таркибидидаги энергия ҳосил қилувчи корхоналар томонидан 3,6 млрд. киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилиб, белгиланган режа бажарилиши таъминланди.

➡4



ЎЗАРО ИШОНЧ ВА ҲАМФИКРЛИК — МУАММОЛАР КАЛИТИ

Туркменистоннинг Аваза шаҳрида бўлиб ўтган БМТнинг Денгизга чиқиш имкони бўлмаган ривожланаётган мамлакатлар бўйича III конференциясидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг нутқи халқаро ҳамжамият диққат марказида бўлди.

Муносабат

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида нафақат минтақавий, балки глобал миқёсда муҳим масалалар — адолат, тенг имконият, логистика, инвестиция ва инфратузилмавий тараққиёт каби долзарб йўналишларга эътибор қаратар экан, жаҳон иқтисодиётида тенг иштирок этиш ҳуқуқи ҳар бир мамлакат учун қафолатланиши кераклигини алоҳида таъкидлади.

Нутқда конференцияда муҳокама қилинаётган масалалар ҳаётий муҳим аҳамиятга эга экани, чунки денгиз портларидан жугрофий узоқлик ва бир неча мамлакат худудларини кесиб ўтиш зарурати қатор объектив муаммоларни келтириб чиқараётгани қайд этилди.

Денгизга чиқиш имкони бўлмаган мамлакатларнинг умумий таҳдид ва муаммоларини бартараф қилиш мақсадида Ўзбекистон Президенти аниқ тақлиф ва ташаббусларни илгари сурди ҳамда БМТ доирасида

бир қимматли жиҳати шундаки, унда Президентимиз Марказий Осиё мамлакатлари етакчиларидан ташқари бошқа халқаро ташкилот раҳбарлари ва мамлакатларнинг расмий делегация аъзолари билан ҳам ўзаро шериклик муносабатларининг кейинги босқичларини муҳокама қилди.

Жумладан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш билан ўтказган учрашувида қатор муҳим масалалар, хусусан, глобал ва минтақавий тараққиётнинг долзарб масалалари, БМТ Бош Ассамблеясининг бўлажак 80-юбилей сессиясини ўтказиш, Марказий Осиёда интеграцияни чуқурлаштириш, Афғонистонни минтақавий ҳамкорлик жараёнларига жалб этиш масалалари хусусида фикрлашилди.

Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилган ташаббуслар халқаро иқтисодий муносабатларда адолат мезонларини мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, глобал муаммоларни ҳамфикрлик ва амалий ечимлар орқали ҳал этишга даъватдир.

Сайёра АБДИКАРИМОВА,
Олий Мажлис Сенатининг
Аграр, сув ҳўжалиги
масалалари ва экология
қўмитаси раиси ўринбосари.

ГЛОБАЛ ТАРАҚҚИЁТНИНГ АДОЛАТЛИ АРХИТЕКТУРАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МУҲИМ ТАКЛИФЛАР ВА ЮҚОРИ ДАРАЖАДАГИ ҲАМКОРЛИК

Иккинчидан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида денгизга чиқиш йўлига эга бўлмаган мамлакатлар учун Транзит қафолатлари тўғрисидаги глобал битимни ишлаб чиқиш тақлиф этилди. Бу халқаро муносабатларда денгизга чиқиш йўлига эга бўлмаган давлатларнинг иқтисодий ривожланишини қафолатлайдиган ҳужжатни назарда тутувчи муҳим ташаббус.

Нутқда фундаментал масала — адолат масаласига тўхталиб, денгизга чиқиш йўлига эга бўлмаган давлатларга жаҳон иқтисодиётида тенг шароитларда да иштирок этиш имкониятини таъминлаш зарурлиги таъкидланди. Мазкур битимнинг қабул қилиниши "глобал тенг ҳуқуқлиқнинг муҳим элементи бўлган ривожланиш ҳуқуқини" таъминлайди.

Учинчидан, йирик инфратузилма лойиҳаларини молиялаштириш учун мослашувчан инвестиция воситаларини жалб қилиш масаласи илгари сурилди. Бу борада БМТ шафелигида Денгизга чиқиш йўлига эга бўлмаган мамлакатларнинг логистика интеграциясига кўмаклашиш жамғармасини таъсис этиш тақлиф қилинди.

Денгизга чиқиш йўлига эга бўлмаган давлатларнинг барқарор ривожланишига молиялаштиришдаги камчиликлар тўқсинлик қилади. Ички ресурслар етishмовчилиги расмий ёрдам ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар каби ташқи молиялаштиришнинг зарурлигини тақозо этади. Ушбу давлатлар инвестициявий жойбадорлиги денгизбўйи мамлакатларига нисбатан пастроқ бўлганлиги вазиятни янада мураккаблаштиради. Бу борада инфратузилма ва ривожланиш эҳтиёжларини қондириш учун инновацион молиялаштириш механизмлари ва ушбу

йўналишдаги халқаро ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади.

Тўртинчидан, денгизга чиқиш йўлига эга бўлмаган давлатларнинг Заифлик глобал индексини ишлаб чиқиш тақлиф этилди. Бу мазкур давлатларнинг транзит борасида чекланган имкониятларини ҳолис кўриб чиқиш ва мавжуд шароитлардан келиб чиқиб халқаро молиявий-техник дастурларни кенгайтириш ва ресурсларни самарали тақсимлашнинг таъсирчан воситасига айланади.

Мазкур индекс, хусусан, географик изоляция, глобал бозорларга чекланган кириш ва иқлим ўзгариши таъсирига мойиллик каби омилларни ҳисобга олган ҳолда денгизга чиқиш имкони бўлмаган давлатларнинг заифлигини ўлчашнинг стандартлаштирилган усулини тақдим этиши мумкин. Муҳими, ушбу индекс давлатларнинг рақобатбардошлиги ва ишбилармонлик муҳитини адолатли баҳолашда ҳисобга олиниши кераклиги таъкидланди.

Бешинчидан, Ўзбекистонда агро-тармоқни ривожлантириш учун Инновацион ҳабни яратиш масаласи илгари сурилди.

Денгизга чиқиш имконияти бўлмаган ривожланаётган мамлакатлар қишлоқ ҳўжалиги ва сув ресурслари каби иқлимга сезгир тармоқларга боғлиқ бўлгани сабабли иқлим ўзгаришига нисбатан алоҳида таъсирчан ҳисобланади. Бу борада соҳага илгор технологиялар ва инновацияларни жалб қилиш, айниқса, сувни тежаш ҳамда озик-овқат хавфсизлиги ва қайта тикланувчи энергия лойиҳаларини таъминлашга оид лойиҳаларни ишлаб чиқиш, иқлимга мослашувчанлик салоҳиятини ривожлантириш мазкур тузилма олдида вазифа сифатида туради.

Олтинчидан, аниқ тақлифлар ишлаб чиқишга давлатларнинг етакчи

экспертлари ва "ақл марказлари"ни фаол жалб этиш масаласига эътибор қаратилди.

Денгизга чиқиш имкони бўлмаган ривожланаётган давлатлар учун илмфан, технология ва инновациялар амалга ошириладиган таркибий трансформациянинг самарадорлиги ва

ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ЮКСАЛИШНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИ

ЎЗБЕКИСТОНДА КУТИЛАЁТГАН УМР КЎРИШ ДАВОМИЙЛИГИДА БАРҚАРОР ЎСИШ ТЕНДЕНЦИЯСИ КУЗАТИЛМОҚДА

Бугунги глобллашув даврида инсон капитали ривожланишининг энг муҳим кўрсаткичларидан бири, шубҳасиз, кутилаётган умр кўриш давомийлигидир. Мазкур кўрсаткич нафақат жамият соғлиғи, балки иқтисодий, ижтимоий ва экологик барқарорлик даражасини ҳам ўзида акс эттиради. Шу боис Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва бошқа халқаро тузилмалар томонидан кутилаётган умр кўриш давомийлиги доимий равишда таҳлил қилиб борилади. Бундан эса мамлакатлар салоҳияти ва аҳоли фаровонлигини баҳолашда муҳим мезон сифатида фойдаланилади.

Таҳлил

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда аҳоли турмуш шароитини яхшилаш борасида тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бунинг ижобий самаралари асосий иқтисодий-ижтимоий кўрсаткичлардан ҳисобланган аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот ҳажми, умумий даромадлар улуши, кутилаётган умр кўриш давомийлиги, турмуш тарзи, саводхонлик кўрсаткичи каби статистик рақамларда ўз аксини тоپяпти.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, “кутилаётган умр давомийлиги” деганда, туғилган (0 ёшдаги) инсонларнинг ўртача умр кўриш йиллари сони тушунилади. Ушбу кўрсаткич асосий демографик индикаторлардан бири бўлиб, ҳар бир ёш гуруҳи бўйича алоҳида ҳисобланади. Шуниси муҳимики, кутилаётган умр давомийлигини ҳисоблашда қайд этилган ўлим кўрсаткичлари келгуси йилларда ҳам ўзгармасдан шундай сақланиб қолиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, бугунги кунда мамлакатимизда доимий аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлиги 75,1 ёшни ташкил этади. Қувонарлиси, бу борада сўнгги йилларда барқарор ўсиш суръати кузатилмоқда. Ушбу кўрсаткич 2023 йилда 74,7 ёш, 2022 йилда — 74,3, коронавирус пандемияси даври, яъни 2020 йилда — 73,4, 2010 йилда — 73, 2000 йилда — 70,8, 1991 йилда эса 66,4 ёш бўлган.

Кўриниб турибдики, Ўзбекистонда умр кўриш давомийлиги барқарор ўсиш тенденциясига эга. Мазкур кўрсаткич жинслар бўйича таҳлил қилинганда, 2024 йилда эркеклар учун ўртача умр кўриш давомийлиги 72,9 ёш, аёллар учун эса 77,3 ёшни ташкил этди. Шаҳар жойларда 74,9 ёш, қишлоқ жойларда эса 75,1 ёшга тенг бўлган.

БМТ Аҳолишунослик бўлинмасининг Ижтимоий ва иқтисодий масалалар бўйича департаменти маълумотларига қараганда, дунё микёсида умр кўриш давомийлиги ўртача 73,5 йил кўрсаткичида турибди. Ўзбекистонда ушбу рақам 75,1 ёш эканлигини инобатга оладиган бўлсак, мамлакатимизда умр кўриш давомийлиги дунё бўйича ўртача

пилди. Бу эса умр кўриш давомийлигини оширишда нафақат шифокорлар сони, балки соғлиқни сақлаш тизими самарадорлиги муҳимлигини кўрсатади.

Рўйхатга олинган жиноятлар сони умр кўриш давомийлигига салбий таъсир кўрсатса-да, бу таъсир статистик жиҳатдан аҳамиятсиздир. Биринчи марта ташхиси аниқланиб рўйхатга олинган руҳият ва ҳулқ автор бузилиши касалликлари сони бир бирликка ошганда, умр кўриш давомийлиги ўртача 0,02 бирликка камайд.

Мустақил ўзгарувчилардан учтаси статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлиб қикди: аҳоли жон бошига умумий даромадлар ҳажми

“*Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра бугунги кунда мамлакатимизда доимий аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлиги 75,1 ёшни ташкил этади. Қувонарлиси, бу борада сўнгги йилларда барқарор ўсиш суръати кузатилмоқда. Ушбу кўрсаткич 2023 йилда 74,7 ёш, 2022 йилда — 74,3, коронавирус пандемияси даври, яъни 2020 йилда — 73,4, 2010 йилда — 73, 2000 йилда — 70,8, 1991 йилда эса 66,4 ёш бўлган.*”

ва аҳолининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси умр кўриш давомийлигига ижобий таъсир кўрсатади, ҳисобот даврида биринчи марта ташхиси аниқланиб рўйхатга олинган руҳият ва ҳулқ автор бузилиши касалликлари сони эса салбий таъсир кўрсатади. Қолган тўртта ўзгарувчи эса 15 йиллик маълумотлар таҳлилида статистик жиҳатдан сезиларли аҳамиятга эга эмас деб топилади.

Таҳлиллар натижаларига таянган ҳолда, умр кўриш давомийлигига таъсир қилувчи омиллари сони куйидаги асосий тоифалар — соғлиқни сақлаш тизими, иқтисодий унсурлар, экологик ҳолат, турмуш тарзи ва демографик омилларга ажратиш мумкин.

Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши умр кўриш давомийлигига энг муҳим таъсир кўрсатувчи омиллардан биридир. Бун БМТ Аҳолишунослик бўлинмаси расмий сайтида келтирилган умр кўриш давомийлиги бўйича рейтинг маълумотлари ва амалга оширилган статистик таҳлил натижалари ҳам тасдиқламоқда. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли даромадларини ошириш, турмуш тарзини яхшилаш ва камбағаллиқни қисқартириш борасида муҳим ислохотлар олиб борилди. Ушбу ислохотлар натижаси асосий макроиктисо-

дий кўрсаткичларнинг сўнгги ўн беш йилдаги ўзгариши динамикасида яққол намоён бўлади. Жумладан, аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот ҳажми 2010 йилда 2 763,7 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2024 йилга келиб, ушбу кўрсаткич 14 баробарга кўпайди ва 39 131,4 минг сўмга етди, аҳоли жон бошига умумий даромадлар ҳажми эса 2010 йилдаги 2 192,8 минг сўмга нисбатан қарийб 11 карра ошиб, 2024 йилда 24 111,9 минг сўмни ташкил этди. Камбағаллик даражаси 2021 йилда 17 фоиз бўлган бўлса, 2024 йилда 8,9 фоизгача камайд.

Соғлиқни сақлаш тизими умр кўриш давомийлигига бевосита таъсир кўрсатувчи омиллардан биридир. Шу маънода, Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотлар натижаси бир-

гина оналар ўлими даражаси сўнгги йилларда сезиларли камайгани мисолида ўз исботини топяпти. Эътибор қилинг, 1990 йилда 100 минг туғуруққа 34,1 она ўлими қайд этилган бўлса, 2024 йилда бу кўрсаткич 14,8 га тушди. Чақалоқлар (1 ёшгача болалар) ўлими даражаси ҳам пасайди: 2000 йилда ҳар 1000 нафар туғилган чақалоққа 18,9 та ўлим тўғри келган бўлса, 2024 йилда бу кўрсаткич 9,0 тага камайд.

Таҳлилларга қараганда, Ўзбекистонда ўлимнинг асосий сабаби юрак-қон томир касалликлари бўлиб, 2024 йилда умумий ўлимларнинг 61,9 фоизини ташкил этди. Бошқача айтганда, ҳар

Жаҳон мамлакатлари билан таққосланганда, Ўзбекистон умр кўриш давомийлиги бўйича МДХ орасида ўртача натижаларга эга бўлса-да, Япония, Корея Республикаси ва Швейцария каби ривожланган давлатлардан ҳали орқада. Шу боис демографик барқарорлик, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, тиббий хизматлардан кенг фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларидаги сай-ҳаракатларни давом эттириш зарур. Зеро, умр кўриш давомийлиги нафақат соғлиқ, балки мамлакат иқтисодий ва ижтимоий тараққиётининг асосий мезонларидан бири ҳисобланади.

Умуман олганда, Ўзбекистонда кутилаётган умр кўриш давомийлиги сўнгги йилларда барқарор ўсиш тенденциясини намоён этмоқда. Бу аҳоли саломатлиги, соғлиқни сақлаш тизими ислохотлари, иқтисодий ўсиш ва ижтимоий турмуш шароитларининг яхшиланиши билан бевосита bogлиқдир.

Бехзод ҲАМРОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Миллий статистика қўмитаси раиси.

ҚАШҚАДАРЁ ТОМОНЛАРДА

Бахшининг маҳорат мактаби

Деҳқонобод туманидаги 5-болалар мусиқа ва санъат мактабида Ўзбекистон халқ бахшии Қаҳҳор бахши Раҳимов номидаги маҳорат мактаби ўз фаолиятини бошлади.



Шу муносабат билан ташкил этилган таъкидланганидек, Қаҳҳор бахши Раҳимов кўп йиллик ижоди давомида халқ бахшичилиги аъёнларини янги bosқичга олиб чиққан атоқли санъат-

кор ҳисобланади. Унинг раҳбарлигида очилган бу мактаб мамлакатимиз ёш ижодкорлари учун илҳом манбаи бўлиб хизмат қилади.

Маҳорат мактабида ёшларга доира, дутор, тор каби чолғу asбобларида ижро санъатидан ташқари дoston айтиш, саҳна маданияти, сўз oҳанги ва oбраз яратиш каби мураккаб жиҳатлар ҳам мукаммал ўргатилади. Дарслар тажрибали устозлар, жумладан, Қаҳҳор бахши Раҳимовнинг бевосита раҳбарлигида олиб борилади.

Истироҳат боғига марҳамат!

Яккабоғ туманининг Айғиркўл маҳалласидаги умумий майдони 10,5 гектар бўлган мажмуада махсус дам олиш худудлари, замонавий ўйин майдончалари, сунъий ҳавза, очик саҳна, фавворалар ҳамда пиёдалар йўлғи ва велойўлақлар барпо этилади.

— Аҳолига муносиб дам олиш имконини яратиш — устувор вазифамиз, — дейди туман ҳокими Абдинаби Ғиёсов. — Янги истироҳат боғи ҳам туманимиз аҳли учун ҳордик, спорт ва маданият масканига айланади.



Соя дони — даромадли ва фойдали

Қарши шаҳридаги “Asian golden oil” масъулияти чекланган жамияти вилоятдаги энг салоҳиятли ва барқарор фаолият юритаётган саноат корхоналаридан бири ҳисобланади.



Айни вақтга қадар чорвачилик, паррандачилик йўналишларида, шунингдек, ун ҳамда ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш каби қатор лойиҳаларни амалга оширган корхонанинг истиқболли қувватларидан бири — соя донини қайта ишлаш линияси ҳисобланади. Бу ерда кунига 50 тоннага яқин соя дони қайта ишланмоқда.

— Бизда соянинг ёғидан ташқари шулхага ҳам талаб катта, — дейди МЧЖ директори Холмаҳмат Рўзиев. — Шу боис биринчи галда сифатли ва барча техник талабларга жавоб берадиган шулха олишга эътибор қаратганимиз. Бир неча bosқичдаги саралаш ва ишлаб чиқариш жараёнларидан ўтиб, тайёр ҳолга келган маҳсулот шартнома asосида юртимиздаги паррандачилик корхоналарига етказиб берилмоқда.

Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ
(«Халқ сўзи»).

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АМАЛДАГИ ИФОДАСИ

Мамлакатимизда аҳолини муносиб уй-жой шароитлари билан таъминлаш, уларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, айниқса, тураржой ва мулк масалаларида адолатни қарор топтириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Сир эмас, яқин-яқингача ёш оилалар ўз хонадонларига эга бўлиш учун узоқ вақт тер тўкиши, анча машаққатларни бошдан ўтказишига тўғри келарди. Бундай мураккаб жараён натижасида тегишли рухсатномасиз қурилган уй-жойлар ва уларга нисбатан эгалик ҳуқуқини эътироф этиш масаласи ҳам галвага айланарди.

Эгалик ҳуқуқи

Йиллар давомида тўпланиб қолган ушбу муаммони ечиш мақсадида 2018 йилда Президентимизнинг тегишли Фармониغا мувофиқ ўтказилган бир мартали умумдавлат акцияси доира-сида 621 минг нафардан ортиқ фуқароларнинг ўзбошимчилик билан эгалланган ер участкасида тегишли рухсатномасиз қурилган уй-жойларига нисбатан эгалик ҳуқуқи эътироф этилиб, уларга кадастр ҳужжатлари расмийлаштириб берилди.

Таъкидлаш жоизки, Президентимиз ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикаси учун 119-сонли махсус Фар-

Жўрғи Кенгесига, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенга-шларига юборилган маълумотлар ва ҳуж-жатлар уч ой ичида сессияларида му-ҳокамадан ўтказилиши ҳамда ер участ-касига бўлган ижара ҳуқуқини ҳамда унда қурилган бино ва иншоотга бўлган мулк ҳуқуқини эътироф этиш тўғриси-даги қарорлари қабул қилиниши бел-гилаб қўйилган.

Шундан келиб чиқиб, Қорақалпо-ғистон Республикаси Жўрғи Кенге-сининг навбатдаги бешинчи сессия-сида 267 нафар фуқаронинг ер участ-каларига ижара ва тураржойларга бўлган мулк ҳуқуқларини эътироф этиш бўйича қарор қабул қилинди. Шу тариқа бугунги кунгача юқорида келтирилган қонун асосида Қорақал-поғистон Республикаси Жўрғи Кен-гесининг сессия қарорлари билан жами 291 нафар фуқаронинг мулк ҳуқуқини тан олиш бўйича рўйхат тас-диқланди.

Статистик рақамларга кўра Қора-қалпоғистон Республикасида 41 911 та кўчмас мулк объекти ҳисобдан ўтказил-ган. Шундан жорий йилнинг 24 июль ҳолатига кўра, 14 598 та объект

Дунё цивилизацияси



Узининг маҳобатли ўтмиши, саодат-ли бугуни ва нурили келажаги билан Ер юзига сайқал бериб турган Самарқанд ҳамиша асрлар ардоғида, дунё сийёсатдонлари нигоҳида бўлиб келган.

Бу табаррук заминга ўша давр султонлари, қирол ва ҳукмдорлар пойқадами етган. Азим кентда тинчлик битимлари тузилган, вайрон-кор уруш ва босқинчиликларга барҳам берилган.

Бугун тарих яна такрорланмоқда. Дунёнинг манаман деган давлатлари раҳбарлари Президентимиз ташаббуси билан қадимий Афросиёб шаҳристонини яқинида бунёд этилган “Боқий шаҳар”га ташриф буюриб, давр зиддиятларига биргаликда ечим изламоқда. Бу ерда олий даражадаги учрашувлар бардавом бўлмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ноябрь ойида Самарқанд шаҳрида ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси бўлиб ўтди. 40 йилдан зиёдрок давр мобайнида фаолият кўрсатаётган бу нуфузли ташкилотнинг олий даражадаги анжумани биринчи марта Парижда эмас, Самарқандда ўтказилиши тарихий воқеалиқдир.

Бугунги латофатга монанд улугвор ўтмиш

Самарқанд археология институтини директори Мўминхон Саидовнинг қайд этишича, қадим Самарқанд Фарбада Византия, Жанубда Вавилон, Шумер, Ҳинд, Шарқда Хуанхэ, Янцзи, Шимолда Сахрои Номад маданиятини бирлаштиришда олтин кўприк вазифасини ўтаган. Улуг уламо-лар мангу кўним топган Чоқардиза қабристонини Мадинадаги Боқия ва Маккадаги Муалло қабристонлари қаторидадир.

Қадимий “Авесто” китобида миллоддан аввалги X — VII асрларда Самарқанд Сўғд давлатининг пойтахти сифатида келтирилади. Хитой йилномларида айтилишча, VI — VIII асрларда Самарқандда “Адолат уйи” номли ибодатхона фаолият кўрсатган. Унда туркий тилда ёзилган қонунлар сақланган бўлиб, барча муаммо шу қонунлар асосида ҳал қилинган.

Чили ёзувчиси Пабло Неруда шундай деб ёзди: “Мен жаҳондаги деярли ҳамма мамлакатларда бўлганман. Лекин Ўзбекистонда менинг дўстларим кўп. Узининг ажойиб маданий ва қадимий ёдгорликлари билан дунёга машҳур бўлган шаҳар, айниқса, Регистон ҳайратда қолдириди. Бу архитектура ансамбли муулмон Шарқда кўрган жамки нарсаларимдан ошиб тушди. У Ўрта Осиё халқларининг юксак мада-

ниятидан далолат беради. Мен болалик чоғларимданок бу қадимий шаҳарда бўлишни орзу қилардим. Орзуим ушалганидан беҳад хурсандман. Одамларингиз жуда меҳмондўст!”

ЮНЕСКОнинг 1987 — 1999 йиллардаги Бош директори Федерико Майор Самарқанд ҳақида шундай ёзган эди: “Хаёлот сари етаклайдиган номлар орасида тасаввуримизни ром этадиган бир ном бор, у ҳам бўлса Самарқанддир. Бу ном ёрқин, сержило, мушк-анбар, хаёлот саройлари, карвонлар гулгуласи, бокира сас ва англамаган ҳиссиётлар гирдобидан ҳосил бўлгандек гўё... 1995 йилда мен орзуни воқелик билан қиёслаш имконига эга бўлдим. Самарқанд нақадар гўзал. Қай бири билан — унинг улугвор ўтмиши биланим ёки бугунги латофати биланми кўпроқ ҳайратланишингни билмайсан...”

Буюк Турон ҳудудида неча минглаб йиллар давомида юксак маданият гуллаб-яшнади, қудратли давлатлар барпо этилди. Қадим замондан ушбу заминдан ўтган турли карвон йўллари, миллатлараро алоқалар, савдо-сотик, хунармандчилик, илм-фан, адабиёт ва санъат Буюк Ипак йўлининг жон томири бўлди.

X аср ўрталарида Самарқандда бўлган араб сайёҳи Ибн Хавқал: “Кўм-кўк дарахтлар, ажойиб саройлар, сув оқиб турган ариқлар... Самарқанд — катта бозорларга эга бўлган энг йирик шаҳарлардагидек, қатор маҳаллалар, ҳаммомлар, саройлар, карвонсаройлар жойлашган шаҳар. Унга қисман кўрғошиндан қилинган канал суви оқиб киради. Бош мачит Шахристонда, ундан пастроқда эса қалъа жойлашган”, деб ёзди.

Ҳар сафар Самарқанд заминига йўлимиз тушар экан, бу муқаддас гўшага, афсоналар масканига илк маротаба келаётгандай ҳаяжонланамиз. Муқаддас қадамжоларни зиярат қилиб, бу ерда амалга оширилаётган бунёдкорлик, ободончилик ишларини ҳайратланамиз.

1991 йилнинг баҳори эди. Ҳали Ўзбекистон мустақил деб эълон қилинадиган тарихий санага беш ой вақт бор, лекин давр чархпалағи шунга қараб шитоб билан олға бормоқда. Ўша пайтда бир неча хориж давлатлари олимлари томонидан ташкил этилган “Буюк Ипак йўли” халқаро экспедицияси қатнашчилари Самарқандга келиб, маҳобатли мадрасалару муаззам минораларни, тарихий обидаларни, қўшни Тожикистонга қарашли Панжакентдаги бир неча минг йиллик цивилизация қолдиқларини кўздан кечиришган, Ургутда оммавий ахборот воситалари вакиллари учун конференция ўтказилди.

Унда экспедиция ҳамраиси, покистонлик олим Аҳмад Ҳасан Дони шундай лутф қилди:

— Албатта, дунёда муқаддас масканлар, буюк тарихга эга бўлган шаҳарлар кўп. Лекин бу ерга келиб, ҳақиқатан ҳам, Самарқанд дунё цивилизациясининг маркази эканини ўз кўзимиз билан кўрдик...

Покистонлик олимнинг юксак эътирофи, Самарқанд шаънига берилган бундай баҳо юрагимизни тўлқинлантириб юборди, қароғимизда ёш халқланди...

Албатта, қайси замон ва маконда бўлмасин, Самарқанд афсонавий шаҳар сифатида тилга олинган. Бу эртақмонанд кентга бир бор келиш, уни бир бор тавоф қилиш дунё аҳлининг энг эзгу орзуси бўлган.

Соҳибқирон Амир Темур олий мартабали меҳмонларни қабул қилиш учун Қонигилда улкан сайилгоҳ барпо қилдирди. Вақтики келди, Президент Шавкат Мирзиёев дунёнинг турли мамлакатларидан ташриф буюрадиган олий мартабали меҳмонлар учун 200 гектардан зиёд майдонда “Боқий шаҳар” мажмуасини бунёд қилдирди. Бу ерда миллий ҳунармандчилик устаноналари, миллий услубдаги қойхоналар, Чорсу шарқ бозори, халқаро сайёҳ

ПОЙТАХТИ

Машхур муаррих Шарафуддин Али Яздий Самарқанд марказида қурилган муҳташам жоме масжиди ҳақида “Зафарнома” тарихий-бадий солномасида шундай ёзади: “Амир Темур Кўрагон Ҳиндистонни олгандан кейин (у ерда ўлжа олинган) олтин, инжу ва қийматлик тошларни тўқсон бир филга юклаб олиб келтирди ва истадиким, пойтахти бўлган фирдавсмонанд Самарқандда бир жоме бино қилгай... 801 ҳижрий, 1399 милодийда кучли ва тез ишли усталарни дунё теварагидан йигиб ишни бошлади. Озарбайжон, Эрон, Ҳиндистондан 500 тоштарош масжиднинг ўзида ишлар, бошқалари эса тоғда тош йўниб, шахарга жўнатиш билан банд эди.

Ва шундай бир масжиди жоме бино қилдики, саҳнининг соф ишланиши хушёр диллардан ҳам мунавварроқ ва баланд кунгураларини ой мукарнасидан безакли, фирузасимон кошинлари ложувард, осмонранг, офтобга жилоли зарнигор нақшлари билан гўзал чарх гўмбазларига баробар, баланд овозалик дарвозаси, кимки бу ер (Хонаи Казба)га кирди, омонлик топди, оятининг калити билан очилди. Ҳар бир юксак тоқлари фалак пештоқида қад кўтарди”.

Соҳибқирон ўзи қадами етган мамлакатлардан кўплаб нодир китобларни Самарқандга жўнатган. Бу китоблар уйғур, форс, эрон, пушт, араб тилларида бўлган. Темур кутубхонаси аввал Кешида, сўнг Самарқандда бўлган. 1580 йилдан сўнг бу кутубхона Бухорога кўчирилган. Уларнинг аскарияти оқшошо босқинчилари томонидан ташиб кетилган.

1979 йили Японияда ўтказилган халқаро конференцияда Япония Фанлар академиясининг президенти Саппоро Мияки: “Самарқанд — нафақат жаҳон цивилизациясининг маркази, балки Мирзо Улуғбек асос солган фалакиёт илмининг ҳам марказидир”, дея эътироф этган эди.

Маълумки, милоддан аввалги V асрда юнон файласуфи Афлотун томонидан асос солинган фалсафа мактаби академия деб аталган. Худди шундай илмий муассаса XV асрда Самарқандда Мирзо Улуғбек томонидан ташкил қилинди. Бу ҳақда Самарқандда бўлган. 1580 йилдан сўнг бу кутубхона Бухорога кўчирилган. Уларнинг ўрнига тахтга чиққан амир Улуғбек Самарқандда биринчи академияга асос солди. Ер кurrasини ўлчашни буюрди ва астрономик жадвалларни тузишда иштирок этди”.

Мирзо Улуғбек бошчилигида Самарқандда қурилган мадраса “Дорул ҳикма” (“Донишмандлар уйи”) номи билан машхур бўлди ва ўз атрофига турли фанлар бўйича 100 нафардан ортиқ олимларни йигди. “Дорул ҳикма” олимлари риёзиёт, илми ҳаят, ҳандаса, жуғрофия, тарих, илми нукум, тиббиёт, мусиқа, мантиқ, аруз, илми ҳисоб, Қуръони карим, ҳадис, фикҳ, адаб, илми ҳикмат, илми калом, араб тили каби фан соҳаларида асарлар яратди.

Ўз даврида ягона худратли салтанат барпо қилган Амир Темур шахси бугун Ватан ва миллат тимсоли, маънавий қудрат рамзига айланди. Соҳибқирон юртида бугун олиб борилаётган улкан ислохотлар, бунёдкорлик ишларида Амир Темур бобомизнинг руҳи-поки бизга доимо ҳамнафасдир.

Кўхна тарихнинг янгрқ садоси

Яқинда бўлиб ўтган халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдаги сессиясида Ўзбекистон Фанлар академияси, Самарқанд археология институти ва халқаро ҳамкор ташкилотлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижалари тақдим этилди. Унда келтирилишича, Афросиёб ва Кўктепа худудларида олиб борилган археологик қазихмалар натижасида топилган осорياتиқалар, илмий маълумотлар Самарқанд шаҳрининг илк урбанизацияси миллоддан аввалги II мингинчи йиллик

охири ва I мингинчи йиллик бошларига тааллуқлидир. Олиб борилган қазихма ишлари Самарқанднинг ёши 3000 йил эканини тасдиқламокда. Сессияда ушбу маълумотларни тегишли вазирилик ва идораларга тақдим этиш бўйича қарор қабул қилинди.

— Жорий йил бошида Афросиёб ёдгорлигининг бир неча нуқтасида жумладан, арк ва шаҳристон қисмида, яъни мудофаа девори яқинида кенг кўламдаги қазув ишлари олиб борилди, — дейди Мўминхон Саидов. — Самарқанд шаҳрининг ёшига аниқлик киритишга масъул гуруҳ Афросиёб ва Кўктепа ёдгорликларида, ҳозирги Кўксарой майдони ўрнида бўлган Амир Темур аркида фанлараро тадқиқот усулларини кўлаш орқали комплекс қазув ишларини амалга оширди.

Айтиш керакки, шаҳарнинг хронологияси бўйича илмий тадқиқот ишлари узоқ йиллардан буён давом этиб келмокда. Айниқса, Ватанимиз мустақилликка эришганидан кейин шу пайтгача хаспўшланиб келинаётган тарихимизни тиклаш мақсадида франциялик археологлар билан ҳамкорликда Самарқанд шаҳридан 25 километр узоқликдаги Кўктепа ёдгорлигида Афросиёб шаҳристониди қазихма ишлари олиб борилиб, шу пайтгача маълум бўлмаган қимматли маълумотлар топилиди. Ва шу асосда 2000-йилларда Ўзбекистон — Франция қўшма экспедицияси янги маълумотларни аниқлади ва Самарқанднинг ёши 2750 йил, деб белгиланди.

Самарқанднинг умумбашарий маданий таракқиёт тарихида тутган ўрни ҳисобга олиниб, 2001 йилда ЮНЕСКО томонидан “Самарқанд — маданиятлар чорраҳаси” сифатида жаҳон маданий мероси рўйхатида киритилди. 2007 йил 25 августда Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилеи нишонланди.

Қайд этиш лозимки, қазихма ишларини таҳлил қилиш жараёнида мамлакатимиз ва хориж олимлари билан маслаҳатлашув йиғилишлари ўтказилди. Жумладан, ЎЗРФА Миллий археология маркази профессори Абдулҳамид Анорбоев, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислол Каримов номидаги Илмий-маърифий мемориал мажмуа раҳбари Темур Ширинов, Ўзбекистон Миллий университети профессори Рустам Сулаймонов ҳамда франциялик, россиялик мутахассислар билан илмий давра суҳбатлари ташкил қилинди. Бундан ташқари, барча хорижий мутахассислар қазихма жараёни ва кўлга киритилган илмий маълумотлар бил

ИЖОД – ҚУДРАТЛИ КУЧ

Ажойиб замонларни бошдан кечирмоқдамиз. Ўзимизга боқсанг — қувонасан, оламга боқсанг — қуонасан. Дахшатли таҳликалар сени қийнайди... Ватанимизда дунёнинг бошқа халқлари ҳавас қилса арзийдиган манзаралар намён. Янги Ўзбекистон бунёд бўлмоқда, мисл кўрилмаган охототлар амалга оширилмоқда. Ислохотлар иқтисодиётдагина эмас, ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳасида олиб бо-

рилмоқда. Шуниси қувончли! Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг буюк ислохотчи экани оламда тан олинмоқда. Оммавий ахборот воситаларида “Ўзбекистондаги “иқтисодий парвоз” (экономический бум!) ҳақида ёзадиган бўлиб қолишди. “Марказий Осиё йўлбарси” деб ҳам аташмоқда. Барчаси Шавкат Миромоновичнинг бемисл қувваи хофизаси, ажойиб ташкилотчилик салоҳияти туфайли юз бермоқда.

Мушоҳада



Муҳаммад АЛИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

дан ортиқ оилалар камбағалликдан чиқарилади. Бу ҳазилкам иш эмас!

Мамлакатда одамларнинг даромади ошиб бормоқда, бу иқтисодиётимизнинг катта ривожланиш йўлига кирганидан далолат.

Спортнинг барча соҳасида улкан ютуқлар қўлга киритилмоқда. Ўзбек бокси жаҳонда биринчи! Бир нарсаси эътибор бердим: ёш спортчиларимиз, боксчиларимиз ҳам халқаро мусобақаларда биринчилики қўлдан бермай келмоқда... Шахмат, дзюдо ва бошқа соҳаларда ҳам ўзбек ўғил-қизлари чемпионлик унвонларига эга чиқмоқда. Аскарларимизчи? Америкада ўтказилган халқаро харбий мусобақада мезбон харбийларни ҳам ортда қолдириб ғолиб бўлганига нима дейсиз? Футболчиларимиз илк марта 2026 йилда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритганига-чи? Ҳаммаси қувонарли воқеалар!

Дарҳақиқат, биз эртасига ишонч билан қараган халқимиз, мақсади-миз улғу. Шунинг учун ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳасида бирор ҳавас қилса арзийдиган, мақтанасак ярашадиган зафарларимиз, муваффақиятларимиз Худога шукр, кўп.

Президентимиз маънавият ва маърифат соҳасига ҳам доим ғамхўрлик қилиб келади, бу тизимлар ҳаммиша у кишининг назар эътиборида. Китоб мутлоаси борасидаги қарор жуда кўп ёшларимизни китобларга қарашга, ўқишга ундаб келмоқда. Ёшлар миннатдор! Ахир китобни маза қилиб ўқисанг, завқ олсанг... эвазига яна енгил машина билан ҳам мукофотлансанг!... Бу қайси мамлакатда бор?

Лекин... Лекин, очигини айтиш керак, кишини ўйлантириб қўядиган ташвишлар, ҳолатлар ҳам йўқ эмас...

Замон жуда мураккаб, тобора таранглашиш қаракатида... Бундай даврда хар кимнинг ўз олдидаги масъулияти кучайган ҳолда юртимиз эртаси, болалар, фарзандлар тақдирини учун жавобгарлик ҳисси ўн чандон ортишига шубҳа йўқ. Аслида, барчамиз жамиятимиз учун масъулмиз.

Маънавий турмушимизда ташқи олам таъсири тобора ортиб бораётганини қўриб турибмиз. Интернет, телефон-телеграм дегандай, мана энди сунъий зако (интеллект) ҳам чиқди. Яна янгилари пайдо бўлиши, бу жараённинг янада чуқурлашиб бориши табиий ҳол. Ҳозир хар бир хонадонга кирсангиз, камиди беш-олтита телефон мавжудлигини кўрасиз. Набирадан бобогача хар ким ўз телефони билан машғул. Кўча-қўйда юрганда ҳам, овқатланаётганда ҳам, гаплашганда ҳам одамлар телефонга тикилиб ўтиришади. Қайси куни идоралардан бирига

“Адабиёт — катта куч. У табиатдан барчага тегишли — лирика ҳам, физика ҳам. Чунки адабиёт — кўнгли фани, кўнгли эса ҳаммада мавжуд...”

раҳбар ҳузурига кирдим ю ҳайрон бўлиб чиқдим. Мен билан суҳбатлашар экан, раҳбарнинг бир кўзи ва бир қўли олдида турган телефондан узилмади... Ҳаёли ўшанга қалғиб турди.

Айрим Фарб мамлакатларида, телефон ишлаб чиқариладиган юртларда, ўқувчиларнинг мактабларга фақат телефонсиз киришлари қатъий қилиб қўйилма бошланди. Бу яхши чора, деб қаралиши керак.

Аслини олганда, интернет, телеграм, e-mail инсонга катта наф келтиради, фойдаси кўп, буни тан олмоқ керак. Дунёдан бохабар бўлади киши. АҚШда сафарда бўлган вақтларимда одамларнинг руҳан ёлғиз эканликларини кўрдим. Уларнинг бирдан-бир дўсти, яқин сирдоши — компьютер (интернет). Биров билан инсоний суҳбат қуриш иштиёқи уларда деярли йўқ даражада, асосан, интернет орқали гаплашишади. Бу, афсуски, инсонни худбинга айлантириб, ёлғизлатиб қўяди.

Интернетдаги воқеалар атайлаб одамнинг эс-хушини ўғирлайдиган даражада намоёнлиш қилинади. Ахлоқсизлик, уятсизлик, шарм-ҳаёнинг пайхон бўлишини кўрсатади. Бу нараса, айниқса, ёшлар учун хавфли. Ёшлиқдан маънавий қашшоқликка дучор бўлган мурак об-нафаккурлар заха тортади...

Ота-онага ҳурмат, оқибат, эзгулик, меҳрибонлик, одамийлик каби урф-одатларимизга зарба

беради, қадриятларимиз асосини аста-аста емириб боради. Бунга йўл қўйиб бўлмайди.

Нохуш жиҳати, интернетдаги бундай ҳолатлар ижтимоий ҳаётимизга, турмуш тарзимизга кўчиб ўтиб, телевидение, адабиёт ва кино асарларига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу кишида ташвиш туғдиради.

Ташқи таъсирлар — худди олисдан эсган бўрондай чегара билмайди, юртга бостириб келаверади. Ғоя